Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 11 март, № 49 (8392) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 март куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳаёт талаби билан бунёдкорлик кўлами ортмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида жуда кўп ижтимоий-иқтисодий иншоотлар қурилди. Давлатимиз раҳбари бу масалани алоҳида эътиборга олиб, пойтахтнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқарисида қилиш вазифасини қўйган эди.

Шунга мувофиқ Янги Тошкент шаҳарчаси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Тақдимотда Президентимизга шу ҳақида ахборот берилди.

Унга кўра биринчи босқичда 6 минг гектарда бунёдкорлик қилиш режалаштирилган. Шундан келиб чиқиб, истиқболли қурилиш ҳудудлари, янги шаҳар билан пойтахтни бирлаштирувчи асосий йўллар схемалари ишлаб чиқилган.

Шаҳарча янги маъмурий ва иқтисодий марказ бўлади. Пойтахтимизнинг Шарқий қисмида, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳудудида барпо этилади. 800 минг аҳолига мўлжалланган бўлади.

У ерда вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, театр, кутубхона, меҳмонхоналар, тураржой бинолари, боғлар ўрин олади. Хусусан, яшил ҳудудлар 363 гектарни ташкил қилиши кўзда тутилган.

Маълумки, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Бугунги кунда бинолар қуриб битказилиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Мажмуа деворлари миллий нақшлар билан сайқалланади, наққошлик ва хаттотлик санъати уйғунлашади. Унинг деворларига қадимий услубда Қуръони карим суралари ва ҳадислар ёзилади.

Президентимиз ташаббуси билан мажмуада Имом Бухорий музейи ҳам ташкил этилиши режалаштирилган. Тадбирда ушбу музейнинг концептуал лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Музей бой маданий қадриятларимизни ўзида жам қилиш баробарида замонавий дизайнга эга бўлади. 8 та павильон, хусусан, Муҳаммад алайҳиссалом ва нубувват тарихи, ҳадис илмининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, Имом Бухорий фазилатлари, болалар бўлими, “Ал-жоме ас-саҳиҳ” — ислом динининг иккинчи манбаси, Имом Бухорий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, янги Ўзбекистонда диний-маърифий ислоҳотлар ва Имом Бухорий меросига эътибор каби мавзуларга бўлинади.

Давлатимиз раҳбари музейдан ўрин олган ҳар бир ашё ва визуал маълумот зиёратчиларга маърифат етказиши кераклигини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимизда бизнес муҳит яхшиланган сари ташқи савдо алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Бунга мутаносиб равишда божхона инфратузилмасини ҳам ривожлантириш зарурати туғилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан чегарадаги “Фиштқўприк” божхона пости орқали ҳар куни кўплаб инсонлар ўтади.

Шу боис мазкур божхона пости учун замонавий мажмуа барпо этиш режалаштирилган. Янги терминал, автомобиль йўли, автотураргоҳ, ошхона, тиббиёт хонаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Президент мажмуада йўловчилар учун барча қулайликларни яратиш, божхона назорати ва юкларни ўтказиш жараёнини рақамлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда, шунингдек, мамлакатимизнинг Бирлашган Араб Амирликлари ва Озарбайжон Республикасидаги элчихоналарининг янги бинолари лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, хусусан, конституциявий ислоҳотлар жараёнлари хорижий мамлакатларнинг сиёсий, эксперт доиралари ва етакчи оммавий ахборот воситалари диққат марказида турибди. Қизиқишнинг бўлиши табиий ҳол. Чунки Асосий Қонунга киритиш таклиф этилаётган янгиланишлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларни ҳамда давлат бошқарувига доир жуда муҳим ўзгаришларни ўз ичига олади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 6 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий суд раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашувида таъкидланганидек, жамоатчилик томонидан юборилган 200 мингдан ортиқ таклифларнинг ҳар бири синчиклаб ўрганиб чиқилиши натижасида Конституциявий қонун лойиҳасининг якуний таҳрири тайёрланди.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари томонидан ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқаро ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва эксперт доираларига етказиш борасида ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Ушбу мавзуда ўтказилаётган брифинг, давра суҳбатлари ва эксперт учрашувлари чоғида хорижлик иштирокчилар Ўзбекистонинг Асосий Қонунини ислоҳ қилишдан кўзланган муҳим мақсадлар билан яқиндан танишмоқдалар.

Ўз навбатида, “Инсон қадри учун” ғоясини илгари суришни назарда тутувчи Асосий Қонунимизга киритиладиган ўзгартишларнинг мазмун-моҳияти хорижий экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. 2

ЖЕНЕВАДА ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Женева шаҳрида БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 52-сессияси доирасида “Иқлим ўзгаришининг заиф аҳволда бўлган шахслар ҳуқуқларига таъсири” мавзуида параллель муҳокама (side event) бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Европа Иттифоқи ва Туркиянинг Женевадаги БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари томонидан ташкил этилди.

Муҳокамалар чоғида БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит бўйича махсус маърузачиси Дэвид Бойд, Халқаро тараққиёт ҳуқуқи ташкилоти эксперти Ралука Мария Попа, Маҳаллий халқлар жамғармаси директори Андерс Блом, шунингдек, Женевадаги дипломатия ваколатхоналари ва халқаро нодавлат ташкилотларининг 70 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Улуғбек Лапасов ўз чиқишида Марказий Осиё минтақасидаги асосий экологик муаммо Орол денгизи ҳалокати эканини таъкидлади. 2

Ўрганиш

ОЧИҚЛИККА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун ҳамда очиқликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, яқинда сенаторлар пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида бўлиб, айни масалани ўрганди. Дастлаб улар туман ҳокимлигининг ахборот хизмати ҳамда туман Кенгашининг ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси фаолияти билан танишди.

Маълум бўлишича, ҳокимлик расмий веб-сайтида “Очиқ маълумотлар” бўлими очилгани ҳолда 17 турдаги ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларнинг айримлари жойлаштирилмаган.

Ўз навбатида, қўмита аъзолари томонидан ҳокимлик мутасаддилари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиясига фуқаролар қабулларини ташкил этиш, ахборот хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш, ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар учун пресс-тур ва матбуот анжуманларини уюштириш, очиқликни таъминлаш масалалари бўйича ахборотларни эшитиб бориш борасида тегишли тавсиялар берилди.

Шундан сўнг сенаторлар иштирокида туман ҳокими, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари билан биргаликда ҳокимлик биносида фуқаролар қабули ўтказилди. 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масала атрофлича кўриб чиқилди.

Мажлисда Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда энг яхши таклифларни илгари сурган фаол фуқаролар ҳам иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, куни кеча бўлиб ўтган мажлисда қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқиш жараёнида депутатлар томонидан уни янада такомиллаштиришга доир бир қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар берилган эди. Масъул қўмиталар ҳар бир таклифни синчиклаб, чуқур таҳлил қилиб, уларнинг аксариятини лойиҳа матнида акс эттирди.

Мажлисда Конституциявий қонун лойиҳасининг ўтиш қоидалари моддама-модда муҳокама қилинди. 2

Давра суҳбати

ГЕНДЕР РАҚАМЛИ ТАФОВУТНИ ҚИСҚАРТИРИШ

БЎЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВ, ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Куни кеча Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда “Ўзбекистонда гендер рақамли тафовут: қисқартириш йўллари ва усуллари” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, Рақамли технологиялар, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар, Бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги ходимлари, Ўзбекистон етакчи аёллари мулоқоти платформаси, Гендер адолат лидерлари — волонтёрлари, фуқаролик жамияти ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати давомида “Ўзбекистонда гендер рақамли тафовут”ни аниқлаш бўйича ўрганишлар натижалари кўриб чиқилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликка ушбу тафовутни қисқартириш йўллари орқали эришиш ва амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар ҳақида музокаралар олиб борилди. Тадбир иштирокчиларининг бу мавзудаги салбий гендер стереотиплари билан ҳам курашиш борасидаги таклиф ва тавсиялари эшитилди. 2

Инсон қадри учун

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАГИ ХОНАДОНЛАРГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Бўка, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз туманларида истиқомат қилувчи “аёллар дафтари”да қайд этилган опа-сингилларимиз хонадонларига кўкламнинг шукуҳли айёми қувончлари билан бирга ёруғлик ҳамда илиқлик кириб келди.

Гап шундаки, баҳорнинг илк кунларида вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетнинг 2022 йил якунида иқтисод қилинган 2 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 128 нафар эҳтиёжманд оиланинг хонадони қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланди. Тошкент вилоятида яна 3 миллиард сўм маблағ “аёллар дафтари”да турувчи хотин-қизларнинг яшаш манзилига қуёш панели ўрнатиш учун сарфланиши кўзда тутилган.

— Бундай замонавий ускуналар биз каби олис ҳудудларда яшовчи аёллар учун жуда қулай экан, — дейди бўкалик Ойниса Айкунова. — Аввалларида телевизорда, интернетда бу қурилмалар ҳақида кўрардик, ўқирдик, лекин ўзимизнинг фаровон турмушимиз манбаига айланишини хаёлимизга ҳам келтирмаган эканмиз. Бу йилги байрамга энг ажойиб совға — мана шу бўлди-да! 3

КОРРУПЦИЯНИ ЙЎҚОТИШ ЙЎЛИДА БИРЛАШИШ КЕРАК

Яқинда “Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти томонидан Коррупцияни қабул қилиш индексининг 2022 йил натижалари эълон қилинди. 180 та давлат орасида Ўзбекистон 31 балл билан 126-ўринни эгаллади. Аҳамиятлиси, мамлакатимиз балларини учтага ошириб, ўрнини 14 поғонага яхшилашга (2021 йилда 140-ўрин) муваффақ бўлди. Мамлакатимиз мазкур индексда сўнгги 6 йил давомида ўсиш суръатларини қайд этаётган давлат сифатида Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасининг аксилкоррупция ислоҳотларини тизимли равишда амалга ошираётган давлатлар қаторида қайд этилди. Бундай ўсиш кузатилаётгани, албатта, юртимизда коррупцияга қарши курашиш йўналишида қилинаётган ишларнинг ижобий самарасидир.

Нуқтаи назар

Шунга қарамай, ушбу рейтингдаги ўрнимизни яхшилаш, умуман, жамиятда коррупцияни йўқ қилиш учун лоббизм, монополия ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, непотизм, ноқонуний бойлик орттириш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ҳамда фаворитизм каби иллатларни бартараф этиш ишларини жадаллаштиришимиз талаб қилинади.

Хўш, юртимизнинг бу кўрсаткичи бўйича эксперт-лар қандай фикрда?

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг Ўзбекистонда амалга оширилишини баҳолаш ҳисоботининг ҳаммуаллифи Григорий Машанов шундай дейди: “Ўзбекистон ҳукумати коррупцияга қарши ислоҳотларни изчил давом эттирмоқда. Муаммолар бўлсада, ҳукумат давлат хизматларини рақамлаштириш, бюрократия ва рухсат бериш жараёнларини такомиллаштириш, тартиб-қоидаларни соддалаштириш ва маиший коррупцияга қарши курашиш бўйича кўп ишларни амалга оширди”.

Тан олайлик, бугунги даврда ҳеч бир давлат коррупциядан холи эмас. Аммо унга қарши курашмаслик муқаррар фалокатга элтиши тайин. БМТ Тараққиёт дастурида жаҳон иқтисодиёти айнан коррупция ҳолатлари туфайли йилига 2,6 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўқотаётганини, жамият равнақининг энг хавфли кушандасига айланган бу иллатга қарши фақат биргаликда кураш олиб боришгина кутилган самарани бериши таъкидланган. 2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 11 март

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

1 Хусусан, **БМТ Илмий-тадқиқот институти ва Европа университети (Валенсия) халқаро алоқаларни ривожлантириш дастури директори, Испаниянинг “OK-Diario” ахборот агентлиги бош муҳаррири Хорхе Местре** ўз шарҳида Ўзбекистон айни пайтда минтақада, айниқса, минтақавий иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича энг муҳим давлатлардан бири ҳисобланишини қайд этган. Бундан ташқари, Ўзбекистон қўшнилар ўртасида кўприкларни қайта тиклади ва сиёсий яқинлашув ташаббускори сифатида Марказий Осиё минтақасида етакчи давлат сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Хорхе Местре, шунингдек, Ўзбекистонда қисқа вақт ичида кўплаб соҳаларда фаол ислоҳотлар амалга оширилаётгани, тадбиркорлик янги босқичга кўтарилиб, экотизим шаклана бошлаганини алоҳида қайд этди. Шунингдек, у Испания ҳукумати ва ишбилармон доиралари Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни катта қизиқиш ва эътибор билан кузатаётганини ҳам таъкидлаган.

Мадрид халқаро пресс-клуби мувофиқлаштирувчиси, Испаниянинг “La Razyn” газетаси муҳаррири Эдуардо Гуайлупо сўнгги йилларда Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлида улкан натижаларни қўлга киритгани, халқ фаровонлигини оширишда салмоқли муваффақиятларга эришганини айтди.

“Республика модернизациялаш, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга қаратилган кучли ҳамда самарали давлатни қуриш йўлида жадал одимлаётганини кузатмоқдамиз, — дейди Эдуардо Гуайлупо. — Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатда янги Ўзбекистонни барпо этиш учун зарур бўлган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий асослар яратилди. Бугун эса республика жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз”.

“Diplomat in Spain” онлайн нашри шарҳловчиси Альберто Рубио Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш борасида туб ўзгаришлар рўй берганига эътибор қаратди. “Айни пайтда миллий оммавий ахборот воситалари халқ овозига, аслида эса тўртинчи ҳокимиятга айланди. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик институтлар инсон ҳуқуқлари, жумладан, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мамлакатда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш мақсадида қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда. Умуман айтганда, Ўзбекистон ахборот маконининг жадал кенгайиши кузатилмоқда”, дейди Альберто Рубио.

Варшавада Польша оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган брифинг чоғида элчи Баҳром Бобоев Конституциявий комиссия фаолияти, шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларининг кенг иштироки ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этди.

“Eurogospodarka” таҳририяти кенгаши аъзоси Анжей Казимиерски ўз нутқида таклиф этилаётган конституциявий нормаларни муҳокама қилиш жараёнида аҳолининг фаол иштироки энг юқори даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий қонунийликка эга эканлигини таъкидлади. Унинг айтишича, мустақил давлатчилик шаклланишининг энг муҳим босқичларини муносиб босиб ўтган Ўзбекистон фуқаролари янги Конституцияга эга бўладилар.

“Trybuna” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Анжей Дришел янгиланаётган Асосий Қонунга илгари сурилаётган таклифларни муҳокама қилиш жараёнини юқори баҳолади. Унинг айтишича, дунёда конституциявий модель шаблонлари мавжуд эмас ва ҳар бир давлат турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ёки бошқа шарт-шароитларга асосланган конституциявий жараённи бошидан кечирмоқда. “Кўплаб мамлакатларда конституциявий ислоҳотлар туб ўзгаришлар даврида амалга оширилди. Ўзбекистон кейинги йилларда давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида барқарор ривожланишни дунёга намойиш этмоқда”, деди Анжей Дришел.

“Fakt” нашри мухбири Павел Лавик давра суҳбати иштирокчилари эътиборини янгиланган Конституция 2016 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан бошланган давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг барча қамровини, тизимли, ҳар томонлама ва чуқур ўзгартириш жараёнини давом эттиришга йўналтирилганига қаратди. Павел Лавикнинг айтишича, ушбу ислоҳотлар асосини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш ташкил этади.

Польшалик журналист, шунингдек, айнан шу масалаларда — демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон сезиларли фаоллик кўрсатиб, катта ижобий натижаларга эришаётганини таъкидлар экан, “республика Конституциясига инсон, болалар ва ногиронлиги борлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини юқори баҳолаймиз. Бу мамлакатнинг демократик ривожланишини яққол кўрсатади”, деди у.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси кутубхонасида ўтказилган давра суҳбати иштирокчилари ҳам Ўзбекистон Асосий Қонунига киритилаётган ўзгартишлар “инсон — жамият — давлат” тамойилига асосланаётганини қайд этдилар.

Жанубий Корея экспертлари ҳар бир мамлакат учун унинг Бош қомусини ислоҳ қилиш энг муҳим сиёсий жараён саналишини қайд этишгани ҳолда Ўзбекистонда фуқароларнинг ижтимоий фаровонлиги ва инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш йўлида жадал ривожланаётган демократик ислоҳотларни юқори баҳолади.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси кутубхонаси директори Ли Мёнг Вунинг айтишича, Ўзбекистон Конституциясига киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотларнинг боришини ўзида акс эттириши баробарида ислоҳотларнинг янги йўналишлари мустаҳкамланишини ҳам назарда тутади.

Евроосиё туркшунослик институти директори О Ин Кёнг фикрига кўра, Ўзбекистон Конституциясига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг энг муҳим йўналишлари — инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлик, хусусий мулк, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантиришга қаратилгани билан муҳимдир.

«Дунё» АА.

ЖЕНЕВАДА ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

1 Ушбу фожианинг салбий гуманитар, экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари минтақа доирасидан анча узоққа чиқиб кетган, глобал аҳамиятга молик муаммо эканлиги қайд этилди. Шу нуқтаи назардан, у БМТ шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг Оролбўйи ҳудуди учун долзарблиги ва самарали фаолиятини алоҳида таъкидлади.

Доимий вакил атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш тамойиллари ва экология йўналишидаги долзарб глобал, минтақавий муаммолардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар доирасида фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари Асосий Қонунда янада мустаҳкамланаётганини маълум қилди. Атроф-муҳит муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши курашиш янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишлари экани алоҳида таъкидланди.

Учрашув якунида БМТ ва нодавлат нотижорат ташкилотлари экспертлари халқаро ҳамжамиятни иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини бартараф қилишда, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини ҳисобга олиб, энг заиф одамлар аҳволига эътибор қаратишга даъват этдилар.

«Дунё» АА.
Женева

ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

1 Мазкур қоидалар билан Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг кучга кириш муддатлари ва тартиби батафсил белгиланган.

Мажлисда берилган таклифлар асосида Конституциявий қонун лойиҳасидаги нормалар такомиллаштирилиб, маромига етказилгани айтилди ҳамда ушбу жараёнда фаол иштирок этган Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда депутатларга миннатдорлик билдирилди.

Сўз олганлар конституциявий ислоҳот фуқароларимизнинг фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширилишини том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси қабул қилиниши сифатида алоҳида эътироф этишди.

Депутатлар томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум санасини 2023 йил 30 апрель деб белгилаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг референдумни ўтказиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг хулосасини олиш тўғрисидаги масала ҳам қўллаб-қувватланди.

Янгиланган Конституция ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада юксалтириши ва ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши ҳамда янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб бериши қайд этилди.

Мажлис якунида депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси мажлисида, шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда энг яхши таклифларни илгари сурган фуқароларга миннатдорлик билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

ОЧИҚЛИККА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

1 Унда аҳоли вакилларининг уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик фаолияти, моддий ёрдам, маҳаллани обод қилиш ва ноқонуний қурилишларни бартараф этиш масалалари юзасидан мурожаатлари тингланди.

Хусусан, Янгиҳаёт туманидаги “Чорбоғ” МФЙда яшовчи фуқаро К. Н.нинг кўп қаватли тураржой биноси томини таъмирлаш, “Дўстлик” МФЙда истиқомат қилувчи З. Е.ни уй-жой, “Тошкент” МФЙда яшовчи фуқаро Х. К.ни мономарказда касбга ўргатиш ва уни иш билан таъминлаш, “Дарёбўйи” МФЙда истиқомат қилувчи Б. Х.нинг уй қурилишида моддий ёрдам кўрсатиш масалалари жойида ҳал этилди.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатлар асосида туман ҳудудида жойлашган тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий кўп тармоқли поликлиника биноси ҳам ўрганилди.

Ушбу бино 1986 йилда қурилган бўлиб, бугунги кунга қадар бу ерда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Шундай бўлса-да, марказий кўп тармоқли поликлиника 90 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айни чоғда ривожланишда ортга қолган ва туғма нуқсонлар билан дунёга келган болаларни реабилитация қилишга мўлжалланган маскан таъмирталаб ҳолатда экани маълум бўлди. Мазкур бинода замонавий тиббий ускуналар мавжуд. Бироқ капитал таъмирлаш ишлари кўп йиллардан бери режага киритилмай келинмоқда.

Мулоқот давомида муассасани замонавий кўринишда капитал таъмирлаш масаласи доимий назоратда бўлиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ГЕНДЕР РАҚАМЛИ ТАФОВУТНИ ҚИСҚАРТИРИШ

БЎЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВ, ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

1 Таъкидланганидек, бугун технологиялар жадал ривожланиб, кундалик ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланиб бораётган бир даврда яшаяпмиз. Аммо дунё аҳолисининг деярли ярмини ташкил қилувчи аёлларнинг 37 фоизи турли сабабга кўра интернетдан фойдалана олмайди. Эркакларга қараганда 259 миллиондан камроқ аёллар интернетга кириш имкониятига эга.

Мамлакатимиздаги БМТ Тараққиёт дастурининг 2022 йилда ўтказган “Ўзбекистонда гендер рақамли тафовут”ни аниқлаш бўйича ўрганиши ҳам хотин-қизларнинг рақамли кўникмалари эркакларникидан қарийб 24 фоизга ортда қолишини тасдиқлади. Айнан 35 ёшдан ошган аёллар ўзларидан кичик ёшдагиларга қараганда АКТ бўйича 10 фоиз кам малакага эга. Рақамли кўникмага эга бўлган илғор аёллар 36 фоиз юқори даромад олишади. Шунингдек, олий маълумотли аёллар олий маълумотга эга бўлмаган аёлларга қараганда 46 фоиз кўпроқ рақамли кўникмага эга.

Давра суҳбатида, шунингдек, Ўзбекистонда гендер рақамли тафовутни қисқартириш орқали гендер тенгликка эришиш бўйича янги ёндашув, ғоя ва ташаббуслар юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

МИБ фаолияти таҳлили

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти кенг таҳлил қилинди.

Сенат қўмитасида

Унда сенаторлар, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Ҳокимликлар вакиллари видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этди.

Йиғилишда сенаторлар томонидан давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида суд қарорлари ижро қилинмай қолаётганига бежиз алоҳида эътибор қаратмаганлиги қайд этилди. Бу масала долзарб аҳамиятга эга, чунки суд қарори ортида инсон манфаати ётибди, шу боис Сенатнинг тегишли қарори қабул қилиниб, унга кўра Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан суд қарорлари ижроси ҳолати ўрганилди.

Маълум бўлишича, суд ҳужжатлари ижросини таъминлашга доир бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Шунга қарамай ўрганиш давомида 2021-2022 йилларда ижрога қаратилган ҳужжатлардан 30 фоизининг ижроси таъминланмагани ва ушбу даврда ҳужжатларнинг 12 фоизи муддати бузиб ижро қилингани аниқланди.

Тадбирда ижроси таъминланмаган маъмурий судларнинг ҳужжатлари 2022 йилда олдинги йилдагига нисбатан 17 фоиз, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳужжатлари16 фоиз, жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳужжатлари 13 фоиз, иқтисодий судларнинг ҳужжатлари 11 фоиз ошгани айтиб ўтилди.

Фуқароларни ишга тиклаш билан боғлиқ ижро ҳужжатларига ички ишлар, солиқ органлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш идоралари ҳамда ҳокимликлар томонидан етарлича эътибор берилмагани, мулкдор манфаатида компенсация маблағларини ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари айрим ҳокимликлар томонидан тўлиқ ижро этилмаётгани ҳам таъкидланди.

Бундан ташқари, ҳокимликлар томонидан юридик ва жисмоний шахслар фойдасига ундирув билан боғлиқ ҳужжатлар ижроси қониқарсиз даражада экани, 2022 йил давомида алимент пулларини ўз вақтида тўламаган айрим шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилмагани маълум бўлди.

Муҳокамада сенаторлар томонидан суд қарорлари ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш кераклиги, чунки ҳар бир суд ҳужжати ортида инсон тақдири ёки муаммоси борлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Шунингдек, қўмита аъзолари ҳамда иштирокчилар томонидан суд қарорлари ижросини таъминлашдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Жумладан, суд қарорлари ижросини ўз вақтида таъминлаш, бу борада давлат ижрочиларининг масъулиятини ҳамда малакасини ошириш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда ҳокимликлар томонидан суд қарорлари ижросини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Якунда кўриб чиқилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯНИ ЙЎҚОТИШ ЙЎЛИДА БИРЛАШИШ КЕРАК

1 Бундан кўринадики, коррупция балоси дунёдаги кўплаб мамлакатларни қамраб олган — порахўрликни таг-томири билан тугатганмиз, деб мақтана оладиган бирор давлатнинг ўзи йўқ. Айтмоқчимизки, ҳатто Европанинг ривожланган давлатлари ҳам бу иллатдан буткул холи эмас.

Европа аксилкоррупция агентлиги (OLAF) ва Евроиттифоқ адлия директорати биргаликда тайёрлаган қўшма маърузада айтилишича, ЕИ мамлакатларидаги коррупция ҳолатлари ташвишланарли. Агар илгари Европа фондларидан ўғриланган маблағлар ҳажми миллионлаб еврони ташкил этган бўлса, эндиликда у миллиардларга етмоқда. ЕИ мамлакатлари коррупция балосидан ҳар йили 323 миллиард евро йўқотади.

Умуман, дунёда коррупциявий ҳолат оғир бўлиб, у ҳар қандай давлатдан бу жирканч офатга қарши аёвсиз курашни талаб қилади. Зеро, ушбу муаммо ва унинг оқибатлари иқтисодиётнинг самарасизлигига ва издан чиқишига олиб келади. Пора миқдорининг ўсиши нарх-навони қимматлаштириб, хизмат ва товарлар сифатини ёмонлаштиради. Ўз навбатида, бундай ҳолат тараққиётга жиддий халақит беради. Шунинг учун суд, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳанинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича миллий муассасалар ва фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш устувор вазифалардан.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти тизими кушандаси, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик, бизнес ҳамда инвестиция ривожида шафқатсиз тўсиқ ҳам айнан шу коррупция ҳисобланади. Коррупция даражаси юқорилашган давлатга чет эл инвестицияси кириши камайиб бораётганининг асл сабабини ҳам шу хавфли иллатдан излаш лозимга ўхшайди. Олдин Ғарб, кейинроқ Осиё давлатларида бу масала чуқурлашиб, жамиятда “касаллик” ҳудуди, кўлами ва даражаси кучайиб бораётган экан, “Нима қилмоқ керак?” деган азалий савол пайдо бўлади.

Порахўрлик ва коррупция жамият ривожланишига, хусусан, демократик янгиланиш ҳамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан халақит беради. Коррупция, биринчидан, жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислоҳотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди; иккинчидан, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги жамиятда адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради; учинчидан, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари шаклан демократик мезон, Ғарб андозасига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кўра, замон талабидан орқада қолмоқда, бу камчилик эса олдинга силжишимизга халақит беради.

Давлат ва жамиятда инсон онги, дунёқараши билан боғлиқ муаммолар таҳлилидан келиб чиқсак, собиқ иттифоқдан мерос қолган коррупция иллатига қарши курашда ҳали анча азият чекишга тўғри келади. Сабаби Хитой ва Сингапурникига ўхшаган юқоридан қўйигача қатъий ишлайдиган иерархия тизими ҳали тўлиқ ишга тушмаган. Лекин бу табиий жараённи сунъий равишда секинлаштирмаслик ёки айрим кучларнинг тазйиқи остида тўхтатмаслик лозим.

Давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳокимиятнинг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, муайян давлатда коррупциянинг ривожланиши ўша давлатнинг иқтисодий-маънавий таназзулига, халқаро майдонда обрў-эътиборининг сусайишига олиб келади.

Шу боис ҳам сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу иллатга қарши кураш ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган “Очиқлик индекси” жорий этилди. Айниқса, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилаётир. Жумладан, юртимизда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган жами 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан “Электрон ҳукумат” тизимидан кенг фойдаланилмоқда.

Аслида ҳам “Электрон ҳукумат”нинг жорий этилиши ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш коррупцияга қарши курашишда энг самарали восита ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Сингапур, Норвегия, Жанубий Корея каби мамлакатлар “Электрон ҳукумат”ни яратиш орқали коррупцияга қарши курашишда юқори натижаларга эришган. Юқоридаги мамлакатларнинг тажрибаларидан хулоса чиқариш мумкинки, “Электрон ҳукумат”ни жорий қилиш давлат бошқаруви органлари фаолиятида ошкораликни таъминлашга катта ёрдам беради.

Шу билан бирга, қонун ишлаши, самара бериши, коррупцияга қарши кураш натижадорлиги сизу бизга, барчамизга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига ҳам боғлиқ. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-боби “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” деб номланиб, унда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари устувор вазифа эканлиги белгиланган.

Коррупцияга қарши курашишда олий таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Институт ва университетларга қабулнинг 2018 йилдан бошлаб адолатли, ошкор ташкил қилиниши, ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказилиши, профессор-ўқитувчилар ойлик маошининг бир неча баравар кўтарилиши бунда муҳим омил бўлаётир.

Олий таълим тизимида узоқ йиллар ишлаган педагог ва олим сифатида шуни айтмоқчиманки, коррупцияга қарши таълимнинг долзарблиги ёш авлоднинг ушбу иллатга нисбатан фуқаролик позициясини шакллантириш зарурати билан боғлиқ. Шу маънода, жамиятда устувор соҳа — таълим тизимида таҳсил оладиган ўсмирлар, ёшлар онгида коррупция, порахўрлик энг ёмон иллат эканини очиб беришимиз лозим. “Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди”, деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолгани энг катта камчилигимиз. Бу борада ўнгланиш, силжиш қилмасак, токи биз оилада, таълим муассасаларида ўғил-қизларимиз онгида, руҳиятида тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамият таназзули, иқтисодиёт орқага кетиши сабаби эканлиги ҳақида кўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормасак мақсад-муддаога эришишимиз қийин. Ёшларга илм нажот эканлигини, айнан илм ёмонликдан қайтариб, яхшиликка даъват этишини тушунтириш, буни улар онгига қуйишимиз керак. Шунингдек, ёшларнинг дунёқарашини шакллантирадиган ижтимоий фанларни таълим тизимининг барча босқичида сифатли ўқитиш чора-тадбирларини белгилаш ҳам коррупцияга қарши курашнинг муҳим омилларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Зотан, айнан ижтимоий фанлар келажак авлодни ҳам маънан, ҳам руҳан тарбиялашнинг энг яхши воситасидир.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар қандай мамлакатни тараққиётдан тўсувчи, таназзулга етакловчи офат бу, шубҳасиз, коррупциядир. Унга бефарқ, лоқайд қарар эканмиз, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган бу иллатдан халос бўлиш қийин. Шу маънода айтганда, бугун ҳар биримиз порахўрлик ва коррупциянинг жирканч иллат экани ҳақида кўп гапирамизу аммо ҳамма ишнинг бошида ўзимиз турганимизни унутиб қўямиз. Фарзандимизни ишга жойлашга ёрдам берган раҳбарга, яқинимизни даволаган шифокорга сўрамаса ҳам чўнтагига пул қистираётган ҳам ўзимиз. Демак, биринчи навбатда, ҳар биримиз ўзгаришимиз керак. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Ғафуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

ТЎҒРИ ЧИЗИҚ ОҒДИРИЛСА, ЭГРИ БЎЛАДИ

ЁХУД ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш, судьялар ҳамжамияти ролини кенгайтириш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Шу билан бирга, соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас. Мухбиримизнинг Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин ЁДГОРОВ билан суҳбатида ушбу йўналишдаги ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги вазифалар хусусида сўз борди.

Бизнинг интервью

— Холмўмин Буврабоевич, суҳбатимиз аввалида Судьялар олий кенгашининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоби ва жорий йилдаги янги режалари ҳақида тўхталсангиз.

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил давом этмоқда. Тўғри, ўтган беш-олти йилда тизимда кўпгина ишлар қилинди, натижалар ҳам кўп куттирмаяпти. Бироқ амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳам етарли.

Хусусан, давлат раҳбарининг яқинда "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари қабул қилинди.

Олдинда мазкур фармонларнинг сифатли ижроси турибди. Бу ҳазилакам масъулият талаб қилмайди. Айни жараёнда судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашиш ҳолатларининг олдини олиш устувор вазифалардан бири сифатида қайд этилган.

— Судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш масаласини тилга олдингиз. Кенгаш бу борада ваколати доирасида муайян ишларни амалга ошириб келаётганидан жамоатчилик яхши хабардор...

— Албатта, кенгаш судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш йўналишида ваколати доирасида қатор таъсирчан ишларни амалга ошириб келмоқда. 2022 йилда одил судловга аралашиш билан боғлиқ 2 та ҳолат бўйича хизмат текширувлари ўтказилиб, натижалари юзасидан Бош прокурорга киритилган тақдимномаларга асосан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг судларга турли вазифалар юклаш ҳақидаги 14 та қарори бекор қилинди. Шу кунларда яна 3 ҳолат бўйича судьялар дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш борасида Бош прокуратурага тақдимнома киритилди. Юқорида тилга олинган фармонлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишига шубҳа йўқ. Айни пайтда мазкур фармонлар ижросини таъминлаш мақсадида судьялар дахлсизлигига эришиш ҳамда суд ишларини соддалаштириш, судьяларни ўзига хос бўлмаган қўшимча ишлардан халос қилиш, бунинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш масалаларида ҳам таҳлилий ўрганишлар олиб борилмоқда.

— Профессионал судьялар корпусини шакллантириш, тизимни малакали, ҳалол ва пок кадрлар билан тўлдириш йўналишида-чи?

— Судьялик лавозимларига муносиб номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёни очиқ танлов ва муқобиллик асосида ўтказилаётганидан хабардорсиз. Очиқ танловларда жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2022 йилда очиқ танловлар асосида 459 нафар судьялик лавозимига тайинловлар амалга оширилди.

Тайинланганларнинг 71 нафари судьялик лавозимида бўлишнинг биринчи беш йиллик, 169 нафари ўн йиллик, 2 нафари муддатсиз даврга, 210 нафари ваколати муддатига қайта тайинланди.

Жорий йил 1 февраль ҳолатига кўра, суд тизимида вакант ўринлар сони 14 тани ташкил этди, ўтган йили бу пайтда бўш судьялик лавозимлари сони 145 та эди.

Яна бир статистика, айни пайтда тизимда аёл судьялар 179 нафар бўлиб, шундан 25 нафари раҳбар судьялик лавозимларида фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, Судьялар олий мактабида ўтган йили 75 нафар судьяликка номзод касбга тайёрланиб, шундан 59 нафари илк бор судьялик лавозимига тайинланди. Жорий ўқув йилида Судьялар олий мактабининг судьялик лавозимига тайёрлаш курсларида 138 нафар тингловчи таҳсил олмоқда. Яқин келажакда улар орасидан муносиблари судьялар корпусини тўлдириши кутилмоқда. Умуман, Судьялар олий мактаби фаолияти бошлангандан буён ушбу даргоҳнинг судьялик лавозимига тайёрлаш курсларида таҳсил олган 207 нафар номзоддан 179 нафари лавозимга тайинланган.

— Тайинловлар ҳақида гап кетганда ваколати муддатидан илгари тугатилган судьялар ҳақида сўз очмасликнинг иложи йўқ. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу мавзуда гапириш оғриқли. Катта ишонч ва умидлар билан судьяликка тайинлансаю ишонч оқланмаса... Ўз хоҳишига кўра ёки бошқа ишга ўтгани муносабати билан лавозимидан озод этилганларни тушуниш мумкин.

Бироқ одил судловни амалга оширишда қонунийликни ёки Судьялар одоби кодекси талабларини бузгани сабаб айрим судьяларнинг лавозимидан озод қилиниши тизим учун оғриқли масала.

Ўтган йили 58 нафар судьянинг ваколати муддатидан илгари тугатилди. Улардан 2 нафари вафот этгани сабабли, 2 нафари бошқа ишга ўтгани боис 30 нафари аризасига биноан, қолганларини эса минг таассуфки, судьялик қасамёди ва одобини бузганлиги учун тизимдан четлатишга тўғри келди.

— Бу ўринда гап судьялик масъулиятига бориб тақаляпти. Судья қандай бўлиши кераклиги маълум: давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик устувор бўлиши лозим".

— Ҳақ гап. Бунинг учун судья ўз маънавий дунёсини бойитиш устида доимий ишлаши лозим. Чунки адолат ва маънавият доимо ёнма-ён туради. Маънавий юксалиш орқали ирода тобланади. Бу судья учун ўта муҳим сифат.

Маънан юксак шахсгина лавозим ва ваколатнинг имтиёз эмас, масъулият эканини теран ҳис қилади, ўз виждони олдида ҳисоб беришни ўрганади. Масъулият чуқур ҳис этилган жойда адолатга озор етмайди. Судья бирор ишни кўриб ҳукм ёки қарор чиқарар экан, қабул қилаётган суд ҳужжати инсон тақдири билан боғлиқ эканлигини доимо ёдда тутиши лозим.

Шундай экан, судья "ишни бугун бўлмаса, эртага кўраман ёки хато қилсам, юқори инстанция суди тузатар, иш кўп жойда хатолик бўлади-да", деган хаёлга боришга ҳаққи йўқ.

Ҳазрат Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида қозилар (судьялар) хусусида шундай деган: "...Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги — тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир тўғри чизиқ оғдирилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созланмаган бўлса, овози бузилади. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилик ва адолат бўлмоғи лозим".

— Ҳақиқатан ҳам, судьялик катта масъулият талаб қиладиган лавозим эканини айтдингиз. Шундан келиб чиқиб, судьялик вазифаси билан боғлиқ чекловлар ҳам мавжудми?

— Саволингиз билан ўта долзарб масалани кўтардингиз. Судьяларга нисбатан наинки хизмат вазифаси билан боғлиқ, балки хизмат вазифасидан бошқа пайтларда ҳам муайян чекловлар қўйилган.

Бу борадаги талаблар "Судьялар одоби кодекси"да баён қилинган бўлиб, ҳар бир судья унга риоя этиши шарт. Мазкур ҳужжатда судьянинг юриш-туришидан ташқари кийиниши, жамоат жойларида ўзини тутиши, ҳатто дўст танлашда ҳам эҳтиёткор бўлиши шарт қилинган. Чунки судья кишилик тараққиётининг барча даврида кенг жамоатчилик эътиборидаги шахс бўлиб келган...

— Кенгаш томонидан бу борада амалга оширилган реал ишлар билан суҳбатни давом эттирсак...

— Ўтган йили кенгаш судьялар масъулиятини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Яъни вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судлар судьяларининг малака ҳайъатлари қошида Судьялар одоб комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, судьяликка номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон психологик тест дастури ишга туширилиб, 900 дан зиёд судьялар психологик тестдан ўтди. Психологик тест натижаларидан келиб чиқиб, жойларда психологик тренинглар ўтказилмоқда. Бундай ишлар, албатта, судьялар масъулиятини янада ошириш, уларнинг осон бўлмаган фаолиятига кўмаклашувчи чоралар сирасига киради.

Судьялар фаолияти самарадорлигини очиқ ва шаффоф баҳолаш бўйича миллий электрон рейтинг баҳолаш дастури хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Ўтган йилги натижалардан келиб чиқиб, одил судловни амалга оширишда юқори рейтинг кўрсаткичга эга бўлган 20 нафар судья жорий йилда "Ибратли судья" мукофоти билан тақдирланди.

Рейтинг баллари — судьяларимиз учун ойна. Масъулиятни теран ҳис қилиб, яхши ишласа, мана шундай рағбатлантирилади. Шунингдек, Судьялар олий кенгаши одил судловни амалга оширишда узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган 107 нафар судья ҳамда нафақадаги устозларни "Суд фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлади.

Айни чоғда ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоблар, ҳужжатли фильмлар тасвирга олиниб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмоқдаки, булар ёш судьялар учун ибрат мактаби бўлиши шубҳасиз.

Рейтинг натижаларига қайтсак, унга кўра, ўтган йили 646 нафар судьянинг фаолияти "намунали", 339 нафариники "яхши", 141 нафариники эса "қониқарли", деб баҳоланди. Бу ёмон кўрсаткич эмас. Фаолият кўрсаткичи қониқарсиз (56 баллдан паст) 30 нафар судьянинг малакасини ошириш бўйича эса комплекс чоралар кўрилмоқда.

— Кенгаш томонидан судьялар касбий билимини ошириш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Шулар ҳақида батафсил тўхталсангиз.

— Саволингизга юқорида қисман жавоб бериб ўтилди. Шу мавзуни давом эттирсак, Кенгаш ташаббуси билан "Судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги: Суд ишига аралашганлик учун жавобгарлик асослари" қўлланмаси нашр қилинди.

Судьяларнинг касбий билимини ошириш, ягона суд амалиётини жорий этиш мақсадида "Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши", "Судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари" қўлланмалари (ушбу қўлланма тегишли вазирлик қарори билан олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинди), тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар учун "Тадбиркорлар ҳуқуқи суд ҳимоясида" амалий қўлланмаси, судьялар учун ибрат мактабини яратиш мақсадида "Уч машҳур ўзбек аёли" ва "Муносиб яшамоқ бахти" номли бадиий-публицистик тўпламлар чоп этилди.

— Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби фаолияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Кенгаш ҳузуридаги Ўзбекистон Судьялар клуби шаклланиш босқичидан ўтиб бўлди. Бироқ унинг самарадорлигини ошириш учун изланишдан тўхтамаслик керак.

Шу мақсадда бу йил Судьялар клубининг жамоатчилик асосидаги бошқаруви Олий суд судьясига юклатилди. Бу — ишга ёндашиш, қарашлар, фикрлар хилмахиллигига кенг имконият очади. Клубнинг электрон платформасида муҳокама этилган масалалар юзасидан ҳар олти ойда умумлашма таҳлил қилиб, зарур чоралар кўриш ҳам мақсадга мувофиқдир. Клубнинг электрон платформасида муҳокама этилаётган масалалар сони ойдан-ойга кўпайиб бормоқдаки, бу судьяларимизнинг фаоллиги ошаётганидан дарак.

Ўтган йили Судьялар клубининг электрон платформасида:

— иқтисодий судлар амалиётида учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан 1350 та;

— маъмурий судлар фаолиятидаги муаммолар юзасидан 850 та;

— жиноят ишлари бўйича судлар амалиётида эса 904 та;

— фуқаролик ишлари бўйича судлар амалиётида учраётган муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан 2308 та мавзу муҳокама қилинган.

Қайсики масалада қонунчиликка ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ёки Олий суд Пленуми қарори шаклида тушунтириш бериш талаб қилинса, Судьялар олий кенгаши томонидан тегишли тақдимнома киритиш амалиёти йўлга қўйилди.

Натижалар йўқ эмас, айнан клубдаги муҳокамалар натижасида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилгани бунга мисол.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Қарор ва ижро

Қоракўл туманидаги "Ойдиной Олим Ойбек" фермер хўжалигининг 21,5 гектар ғўза майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилингач мавсум давомида 40 фоиз сув тежаб қолингани кузатилди. Бугина эмас, ишчи кучи, ёнилғи ва ўғит ҳам иқтисод қилинди. Муҳими, ерни эмас, балки экинни етарли намлик билан таъминлаш имкони туғилди. Натижада ҳосилдорлик сезиларли даражада ошди.

ЗАМОНАВИЙ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

СУВ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ЕНГИШДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

— Ушбу фермер хўжалиги оддий суғориш усулини қўллаб, мавсум давомида ҳар бир гектар ерга ўртача 7000 куб метр сув сарфлаган, — дейди "Аму-Бухоро" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Отабек Абдиев. — Тежамкор технологияни жорий қилиш эса фермер хўжалигига ҳар гектар майдонга ўртача атиги 4200 куб метр сув сарфлаш имконини берди. Эътиборлиси, ўтган йилларда ушбу майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 32 — 35 центнер ҳосил олинган бўлса, илғор технологияни қўллаш натижасида мазкур кўрсаткич 63 центнерга етди.

Ёки бошқа бир мисол. 2022 йилда Вобкент туманидаги "Асад Бахшилло Неъмат ўғли" фермер хўжалигининг 18 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди. Натижада мавсум давомида ҳар гектар майдонга 6 минг куб метр ўрнига 3800 куб метр миқдорида сув сарфланди. Ўртача 60 центнердан ҳосил олинишига эришилди.

Сир эмас, юртимиз, хусусан, Бухорода обиҳаётнинг қадри бениҳоя баланд. Сув тақчиллиги масаласини эса замонавий суғориш технологияларидан оқилона фойдаланган ҳолда ҳал этиш мумкин. Буни юқоридаги икки мисол яққол кўрсатиб турибди.

— Вилоятда ҳозирги кунда суғориладиган майдон 296723 гектарни ташкил қилади, — дейди О. Абдиев. — Ушбу экин майдонларини суғориш ва шўр ювиш ишлари учун бир йилда ўртача 3 миллиард 600 миллион куб метр атрофида сув ресурсларига эҳтиёж бор. Шундан атиги 5 фоизи Зарафшон дарёсидан, 92-93 фоизи эса Амударёдан олинади. Амударёдан сув 48 та йирик насос станциядаги 330 та насос агрегати ёрдамида умумий 110 метр баландликка уч кўтаришда етказиб берилади.

Шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалигига 737,9 километр узунликдаги магистраль ва туманлараро, 1410,8 километр хўжаликлараро каналлар, улардаги 1706 та гидротехник иншоот, 1287 та сув ўлчаш постидан иборат объектлар, ички манбалардан қўшимча сув ресурсларини олиш мақсадида мелиоратив насос станцияларидаги 69 та насос агрегати, 265 та суғориш тик қудуғи ҳамда 704 та мелиоратив қудуқ хизмат қилади. Соҳадаги барча объектни ишчи ҳолатда сақлаш, таъмирлаш-тиклаш каби қатор юмушлар билан 1709 нафар ишчи-мутахассис банд.

Вилоятда сув хўжалиги соҳасида сув ресурсларини етказиб бериш харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилмоқда. Дейлик, 2021 йилда ҳар бир куб метр сувни етказиб беришга ўртача 315 сўм маблағ сарфланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятдаги каналларнинг атиги 35 фоизи бетон қопламали. Қолган қисми тупроқ ўзанли каналлардан иборат. Бу эса ушбу тармоқларда 15 — 20 фоиз сувнинг йўқотилишига сабаб бўляпти. Шу билан бирга, хўжалик ички суғориш тармоқларида сувнинг йўқотилиш миқдори 25 — 27 фоиз атрофида. Қисқача айтганда, манбадан олинган сувнинг атиги 60 фоизи далагача етиб боради.

Булар ҳақида батафсил тўхталишимиз бежиз эмас. Охирги йилларда манбалардан келаётган сув ресурсларида ҳам тақчиллик сезилмоқда. Айниқса, қиш мавсумида электр энергиясида юзага келадиган танқислик оқибатида белгиланган шўр ювиш тадбирлари учун сув ресурсларини етказиб беришда қийинчиликлар пайдо бўляпти. Сувнинг қадр-қиммати икки-уч ҳисса ошмоқда. Бу эса унинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб, заргарона фойдаланишни тақозо этяпти.

— Ана шундай мураккаб паллада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори биз учун айни муддао бўлди, — дейди "Аму-Бухоро" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбари Эркин Файзуллаев. — Унга кўра, вилоятда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни 2020 йилдагига нисбатан 5 баробар ошириш ва 17 минг 440 гектарга етказиш, шунингдек, 4 980 гектар экин майдонини лазерли ускуналар ёрдамида текислаш белгиланган. Ҳозир бу борада вилоятда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир ресурс аниқ ҳисоб-китобни хуш кўради. Соҳада сув ҳисоб-китобини аниқ юритиш, автоматик тарзда масофадан туриб бошқариш тизимига ўтиш ишларига дадил киришилди. 2021-2022 йилларда 1287 та гидропостнинг 345 тасида обиҳаёт сарфини масофадан кузатиш имконини берувчи "ақлли" сув қурилмалари ўрнатилди. Бундан ташқари, 8 та гидроузелда сувни автоматик бошқариш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Айниқса, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш давлат миқёсидаги тадбир сифатида белгиланган яхши самара беряпти. Чунончи, уч йилдирки, қарийб 30 минг гектар майдон сув тежовчи технологиялар воситасида суғорилмоқда. Натижада мавсум давомида ўртача 20 — 30 фоизгача сув ресурслари тежалмоқда. Далани томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет, эгатларга плёнка тўшаб ҳамда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ишлари йўлга қўйиляпти. Шу билан бирга, ерларни лазерли ускуналар ёрдамида текислаш натижасида ҳам сув ресурслари тежалишига эришилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАГИ ХОНАДОНЛАРГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

СУРАТДА: *Ўрта Чирчиқ туманидаги Дўстлик маҳалласида "аёллар дафтари" рўйхатида турувчи Саломатхон Умарова оиласи кўрсатилаётган эътибордан жуда мамнун.*

Нозим ИСМОИЛОВ олган сурат.

1 Ойниса опанинг қўшниси Рўза Бегимова ҳам қулайликдан, туҳфадан мамнун. Рўза опа қўшнисининг сўзларини давом эттираркан, инсон қадри учун олиб борилаётган ўзгаришларнинг бошида турган мутасаддиларни дуо қилди.

— Қайта тикланувчи энергия манбалари қиммат туриши, ўрнатишнинг ўзи фалон сўмга тушишини биз қишлоқ аёллари яхши биламиз, — дейди Р. Бегимова. — Сабр қилиб юрувдик, ғўрадан ҳолва пишгандек бўлди бу туҳфа. Мана, ёруғ кунлар келиб, кўксимизга янги даврнинг шабадалари тегди. Илоё, кам бўлишмасин!

Қуёш панелларини харид қилиш ва ўрнатиш катта маблағ талаб этса-да, иқтисодий жиҳатдан ўзини буткул оқлаши мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Айниқса, чекка қишлоқларда электр энергияси таъминотидаги узилишлар ва камчиликларни ҳисобга олганда айнан қуёш панеллари жуда қўл келади.

— Бу эзгу ишлар ҳали давом этади, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Музаффар Файзиев. — "Темир дафтар"га киритилган эҳтиёжманд оилалар хонадонига ўрнатилаётган қуёш панелларимиз бюджет маблағлари ҳисобидан бўлиб, бу борада яна вилоят ҳокимининг навбатдаги фармойиши қабул қилинади. Жорий йил бошидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 150 дан ортиқ аҳоли хонадонларини муқобил энергия билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи 20 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу йўналишда иш бошлаш арафасида турган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилмоқда. Ҳозирда 900 МВт қувватлик фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари билан келишувга эришилганини, Юқори Чирчиқ туманида Саудия Арабистонининг "Akva Power" компанияси билан ҳамкорликда қуввати 400 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишлари бошланганини таъкидлаш мумкин.

Президентимизнинг "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу ишлар учун муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу қарор ижроси юзасидан белгиланган "йўл хариталари"га асосан шу кунларда бу борадаги ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
журналист.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2023 йил 11 март

ИЛМ-ФАН — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ҳозирги глобал иқтисодий рақобатда фан-техника ривожига қулай шарт-шароитлар яратиб бераётган мамлакатларгина катта устунликка эга бўлиб бормоқда. Шу боис ҳам юртимизда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида модернизациялаш, тизимлаштириш ва такомиллаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Яъни илм-фан ва миллий инновацион тизим шаклланиши ҳамда самарали таъсири давлатимиз сиёсатининг асосий мақсадига айланди.

Мушоҳада

Шу ўринда табиий савол туғилади. Илм-фан ва инновациялар шаклланадиган даргоҳлар сифатида олий таълим муассасаларининг бу жараёндаги ўрни қандай, самарали натижага эришиш учун бугун нималар амалга оширилмоқда?

Маълумки, XX аср охирларига қадар олий таълим муассасаларимизда илм-фан аниқ бир мақомга эга кўрсаткич бўлмаган. Советлар даврида олий ўқув юртлари фақат таълим берувчи ва кадр чиқарувчи муассаса, академик илм билан шуғулланиш эса Фанлар академиясининг вазифаси сифатида қаралиб келиниши оқибатида бу жараён 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида шундай талқин қилинган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, илм-фан ривожланишида олий таълим муассасаси муҳим ўринга эга. Тараққий этган давлатларда илм-фан, асосан, университетларда ривожланади ва катта даромад келтиради. Шунинг учун ҳам олий мактаб фанига бутун таълим тизими учун кучли инновацион ресурс сифатида қаралади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан олий таълим муассасаларида академик фаннинг ўрни муҳимлигини аниқлашга имкон яратилди. Шундай бўлса ҳам, академик илм-фан фақат айрим, яъни илмий мактаблар ривожланган 40 — 50 фоиз ОТМдагина равнақ топди. Олий ўқув юртларида илм-фаннинг равнақида асосий қадам 2016 йилдан бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

Президентимиз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ бундан буён илм-фан ривожлантирилмаса, тараққиётини сақлаб туриш мушкуллигини таъкидлаган ва соҳа олдига қатор муҳим вазифалар қўйилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизни ривожлантириш дастурларида иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қаторида таълим ва илм-фанга алоҳида урғу бериб келинмоқда.

Илм-фан соҳасидаги бугунги ўзгаришларга Президентимизнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг бир гуруҳ илм-фан намояндалари, Фанлар академияси аъзолари билан учрашувида тамал тоши қўйилди. Алоҳида Фармон билан илмий салоҳиятни янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда илм-фаннинг ролини кучайтиришга, академикларнинг илмий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, шунингдек, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қиладиган тадбирлар белгиланган бу соҳада туб бурилиш ясади.

Қисқа даврда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Жумладан, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий қилиниши мамлакатимизда илмий салоҳият ошишига олиб келди. Масалан, Олий аттестация комиссиясининг таҳлилларига кўра, бир поғонали тизимда бир ойда ўртача 9 та диссертация ёқланган бўлса, икки поғонали тизимда ойига 100 дан ортиқ диссертациялар ҳимоя қилинмоқда.

Соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилганини айтиш мумкин.

Илм-фан ва таълим соҳасида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар, яъни фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга шахслар учун лавозим маошининг 30 фоизигача, фан доктори (Doctor of Science) даражасини қўлга киритганларга эса лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилди. Бу илм-фан самарадорлиги ошишига ва кадрлар қўнимсизлиги даражасининг пасайишига олиб келди. Муҳими, одамларда ўқитувчиликка бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди.

Қолаверса, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат ҳозирда илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали илмий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу тариқа мамлакатимизда илм-фан билан жиддий шуғулланиш учун катта имконият пайдо бўлди. Айни чоғда, албатта, савол туғиладики, хўш, илм-фанни ривожлантириш учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

Бу масала Президент фармонлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунга келиб инсон капиталига инвестиция киритиш ресурсларни жойлаштиришнинг энг самарали усули сифатида намоён бўлмоқда. Шу маънода, юртимизда ҳам инсон капиталини ривожлантиришга бош мақсад сифатида қаралмоқда.

Президентнинг 2018 йил 7 майдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларга инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароит яратди.

Бугунги асосий вазифалардан бири сифатида энг замонавий, иқтисодиёт соҳаларининг кескин ривожланишига импульс берадиган устувор йўналишларни аниқлаш, илмий ғоя, тажриба-эксперимент, ишланма — интеллектуал маҳсулот тизимини шакллантирадиган илмий тадқиқотларни амалга ошириш керак бўлади.

Айни чоғда бу борада ҳам ишлар бошлаб юборилди. Буни айнан боғча, мактаб, лицей, ихтисослаштирилган мактаблар, Президент мактаблари тимсолида ҳам кўриш бўлади. Бу билан юртимизнинг ёрқин истиқболи йўлида муҳим қадам ташланди.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб, инновацион фаннинг ўчоғи бўлган олий таълим муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда, уларнинг халқаро ташкилотлар рейтингига киришуи бўйича ҳаракатлар олиб борилаётир.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида Самарқанд давлат университетини айнан шу муддатгача халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида нуфузли олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу борада амалий саъй-ҳаракатлар ва натижалар кўзга ташланмоқда.

Хусусан, илмий салоҳият 2016 йилдагига нисбатан 14,1 фоизга ошди. Докторантурага қабул квотаси 50 фоизга кўпайди. 2020 йилда диссертациялар ҳимоялари сони 2016 йилдагига нисбатан 6,2 баробар ўсди, муддатида ҳимоя кўрсаткичи 85 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. 2016 — 2020 йиллар давомида университет ҳузурида 31 ихтисослик бўйича 10 та Илмий кенгаш ташкил қилиниб, бу кенгашларда республикамиз учун кейинги тўрт йилда 200 дан ортиқ илмий-педагог кадрлар тайёрланди. Хорижий журналларда чоп қилинаётган илмий мақолалар улуши 142 тадан 800 тага ошди.

"QS Asia University Rankings 2023" рейтингида Осиё минтақасидаги университетлар жойлашувига қараб минтақавий ўринлари ҳам белгиланган. Самарқанд давлат университети ҳам республиканинг ушбу 8 та олий таълим муассасаси қаторида QS Марказий Осиё университетлари рейтингида муносиб ўринни эгаллади.

Олдимизда турган вазифалардан бири сифатида илмий генофондни ноёб ҳужжатлар ва илмий мактабларнинг вакиллари ҳисобига кучайтириш, айниқса, техника ва технологиялар соҳасида хорижда кадрлар тайёрлашни келтириш мумкин. Ўз навбатида, инновацион фанни ривожлантириш учун илмий тадқиқотларнинг бир нечта устувор йўналишларини, масалан, мамлакат учун зарур соҳаларни ва олимларимиз яхши натижаларга эришиши мумкин бўлган йўналишларни танлаб олиш лозим.

Масалан, Самарқандда инновацион тараққиётга асос бўладиган салоҳият мавжуд. Бугун вилоятнинг инновацион ривожланиш тенденцияси ва уларни таркибий жиҳатдан статистик таҳлил қилиш асосида уни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаш ўринлидир.

Умуман олганда, кейинги йилларда таълим ва илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришдик. Ана шу ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш учун бизда барча имконият мавжуд. Бу йўлдан оғишмасдан ҳаракат қиладиган бўлсак, албатта, бундан-да улкан марраларни забт этамиз.

Ҳаким ХУШВАҚТОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори.

Бугуннинг гапи

МАЪРИФАТЛИ ФАРЗАНДНИ МАЪРИФАТЛИ ОНАЛАР ТАРБИЯЛАЙДИ

Бу дунёда буюк шахслар, саркардалар, ўз зеҳни ва салоҳияти билан инсониятни ҳайратга солган фозилу фузалолар кўп бўлган. Уларнинг табаррук номлари эларо машҳур бўлишида оқ сут бериб, вояга етказган оналарнинг хизмати беқиёс. Онанинг буюк мураббийлиги шундаки, у ҳали оқу қорани танимаган мурғак гўдакнинг зуваласи пишиқ инсонга айланиши учун бор меҳрини, муҳаббатини беради.

Агар Имом ал-Бухорийнинг онаси ёшлигида уни илмли қилиш учун туяга миндириб, минг азобу уқубатлар билан Саудия Арабистонига олиб бормаганида муҳаддислар имоми, ҳадис илми олимларининг устози Имом Бухорий етишиб чиқмаган, "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асари дунё юзини кўрмаган бўларди, албатта. Фарзандини шундай мартабага кўтариш учун ўзида куч, жасорат ва матонат топа олган она Яратганнинг буюк мўъжизаси эмасми?

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, шеърият мулки султони Мир Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур, фалакиёт илмини дунёга ёйган Мирзо Улуғбек, илм уммонидан дур терган Ал-Фарғоний, тиб илми билимдони Ибн Сино ва бошқа шахсларни буюклик сари бошлаган ҳам аслида уларнинг онасидир. Бу далиллар оналар маърифатли бўлса, миллат маърифатли бўлишини тасдиқлаб турибди. Зотан, таълимнинг, тарбиянинг илк пойдеворини оналар қўяди. Пойдевори мустаҳкам бино эса узоқ яшаши ҳеч кимга сир эмас.

Тан олиш керак, бугун мамлакатимизда хотин-қизларни, бўлажак оналарни маърифатли қилиш йўлида улкан саъй-ҳаракатлар давом этаётир. Хотин-қизларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиши учун бир қатор имтиёзу енгилликлар жорий қилинган. Асосийси, жамиятда аёлларнинг ўз ўрни ва нуфузини эгаллаши учун кенг қўлами ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида олий таълим, коллеж ва техникумларда таҳсил олаётган хотин-қизларга 7 йилга фоизсиз таълим кредитлари бериш тартиби жорий этилиб, бунинг учун Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм маблағ ажратиш белгиланганги оналарни илмли қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси эмасми?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, биз аёлни авваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий қузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак. Албатта, аёлларимизнинг зукко, доно ҳамда билимдон бўлиши миллат равнақига, мамлакат келажагига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли хотин-қизларни ўқимишли, ҳунарли, энг муҳими, ишли бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу улуғвор вазифани амалга ошириш учун ҳар бир киши ўзида масъулият ҳиссини сезиши лозим.

Пойтахтимиздаги Яккасарой туманида жойлашган корхонамизда 160 киши ишлайди. Ҳар ойда 450 — 500 минг долларлик 500 турдаги болалар тайёр кийим-кечакларини экспорт қиляпмиз. Россия, Украина, Беларусь, Озарбайжон, Португалия ва Польша каби давлатларга маҳсулот чиқаряпмиз.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида қўшимча 100 иш ўрни, Юқори Чирчиқ туманида ҳам 100 ишчи ўрни очдик. Рости, аёлларни ишга жалб қилиш қийин кечаётгани боис масофавий таълим марказини йўлга қўйдик. Яъни ўзимиз ўргатиб, ўзимиз ишга оляпмиз. Натижада онлайн тарзда ўқишга қизиқувчи хотин-қизлар сафи тобора кўпайиб бораётир. Ҳозирги кунда бу ерда пойтахтимизнинг Машинасозлар маҳалласидан 40 нафар аёл, ишхонамиздан олий ўқув юртига киришни ният қилган 20 нафар хотин-қиз таҳсил оляпти. Қўрғонтепа ва Дўстлик маҳаллаларидан эса уйда ўтирган бир қатор аёллар ҳунар ўрганмоқда.

Мақсадимиз ягона: юртимизда хотин-қизларни нафақат ҳунарли, ишли қилиш, балки уларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, илмли ва маърифатли қилиб, янги Ўзбекистонда пойдевори ташланаётган учинчи Ренессансга муносиб ҳисса қўшиш!

Мухлисахон АКРАМОВА,
Тошкент шаҳридаги «O'zimizniki» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳибаси.

Реклама

МАЛАКА БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТАНЛОВГА

ТАКЛИФ

Сана: 2023 йил 9 март.

Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси.
Лойиҳа: «М39» Олмаота — Бишкек — Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз автомобиль йўлининг 1255 — 1315 км. қисмини реконструкция ва модернизация қилиш.
Сектор: инфратузилма.
Қурилиш-монтаж ишларини сотиб олиш: «М39» автомагистралини реконструкция ва модернизация қилиш.
Молиялаштириш усули: бўлиб-бўлиб тўлашни молиялаштириш.
Кредит рақами: UZB-0086.

1. Малака бўйича дастлабки танлов учун ушбу таклиф Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва «Tenderweek» веб-сайтларида ҳамда Автомобиль йўллари қўмитасининг 2022 йил 1 декабрдаги веб-сайтида онлайн тарзда пайдо бўлган ушбу лойиҳа учун харидлар тўғрисида умумий хабарномага(GPN) амал қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ИТБ томонидан «М39» Олмаота — Бишкек — Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз автомобиль йўлининг 1255 — 1315 км. қисмини реконструкция ва модернизация қилиш харажатларини қоплаш учун маблағ олган ва ушбу молиялаштиришнинг бир қисмини «М39-А-01» ва «М39-А-01 02» шартномалари ёки мос равишда 1-лот ва 2-лот бўйича тўловлар учун ажратишни режалаштирган.ОПЕК фондининг маблағлари «М39-А-03» шартномасининг 3-лот бўйича қурилиш ишларини молиялаштиришга сарфланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги «Автойўлинвест» агентлиги (ижро агентлиги) «М39» автомобиль йўлининг 1255 — 1278 км. қисмини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 1-лот, «М39» автомобиль йўлининг 1278 — 1295 км. қисмини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 2-лот, «М39» автомобиль йўлининг 1295 — 1315 км. қисмини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 3-лот, пудратчилар ва/ёки фирмалар малакаси бўйича дастлабки танловни амалга оширади. Савдоларда иштирок этиш таклифи 2023 йил июнь ойида эълон қилиниши кутилмоқда. Ушбу дастлабки малакадан ўтказиш жараёнида қатнашиш учун қуйидаги асосий малака кўникмаларига эга бўлган муносиб номзодлар таклиф этилади:

● *Молиявий ресурслар: қурилишнинг пул оқими эҳтиёжларини қондириш учун минимал молиявий ресурслар қуйидагича баҳоланади:*
— 1-лот учун (1255 – 1278 км. қисми) 4,9 млн. АҚШ доллари;
— 2-лот учун (1278 – 1295 км. қисми) 2,4 млн. АҚШ доллари;
— 3-лот учун (1295 – 1315 км. қисми) 3,6 млн. АҚШ доллари.
● *Ўртача йиллик қурилиш айланмаси: минимал ўртача йиллик қурилиш айланмаси:*
— 1-лот учун – 38,0 (ўттиз саккиз) млн. АҚШ доллари;
— 2-лот учун – 20,0 (йигирма) млн. АҚШ доллари;
— 3-лот учун – 29.0 (йигирма тўққиз) млн. АҚШ доллари.

● *Махсус қурилиш ва шартномаларни бошқариш бўйича тажриба:*

(i) ҳар бир лот учун битта шартнома:
1-лот: ҳар бирининг энг кам қиймати 20 000 000 АҚШ долларидан бўлган 3 та шартнома ёки ҳар бирининг энг кам қиймати 25 000 000 АҚШ долларидан бўлган 3 та ва ундан кам шартномалар, бунда барча шартномалар умумий қиймати 60 000 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошиқ.
2-лот: ҳар бирининг энг кам қиймати 15 000 000 АҚШ долларидан бўлган 2 та шартнома ёки ҳар бирининг энг кам қиймати 20 000 000 АҚШ долларидан 2 та ва ундан кам шартномалар, бунда барча шартномалар умумий қиймати 30 000 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошиқ.
3-лот: ҳар бирининг энг кам қиймати 15 000 000 АҚШ долларидан бўлган 3 та шартнома ёки ҳар бирининг энг кам қиймати 24 000 000 АҚШ долларидан 2 та ва ундан кам шартномалар, бунда барча шартномалар умумий қиймати 45 000 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошиқ.

(ii) ҳар бир лот учун битта шартноманинг энг кам қийматига нисбатан юқоридаги (i) бандга мувофиқ шартномаларнинг умумий сони 6 тага тенг ёки ундан кам, аммо бундай шартномаларнинг умумий қиймати 135 000 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошади.
Малака талаблари ҳақида батафсил маълумот дастлабки малака ҳужжатларида келтирилган.

Танлов савдоларида иштирок этишга таклиф 2023 йилнинг июнь ойида эълон қилиниши кутилмоқда.

4. Малака бўйича дастлабки танлов ИТБ лойиҳасини молиялаштириш доирасида товарлар, ишлар ва тегишли хизматларни сотиб олиш юзасидан 2019 йил апрель ойидаги ИТБ кўрсатмаларида кўрсатилган тартиб-таомиллар воситасида амалга оширилади.
Қўлланма. Танлов савдолари қўлланмада кўрсатилганидек халқаро очиқ танлов савдолари (ICB Open) тартиб-таомиллари доирасида ўтказилади.

5. Қизиқиш билдирган номзодлар қўшимча маълумот олиш ва ижро агентлигининг малака бўйича дастлабки танлов учун ҳужжат билан соат 09:00 дан 17:00 гача танишиши мумкин (манзил қуйида берилган).

6. Малака бўйича дастлабки танлов ҳужжатининг инглиз тилидаги тўлиқ тўпламини манфаатдор номзодлар танишгандан сўнг қуйида кўрсатилган манзилга ёзма ариза топширганда ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сотиб олинган санадаги курси бўйича 300 АҚШ доллари ёки сўмда қайтарилмайдиган тўлов тўлаганда сотиб олишлари мумкин. Тўлов усули қуйида келтирилган банк ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади.

Банк реквизитлари:

Қабул қилувчининг исми: Автомобиль йўллари қўмитаси қошидаги «Автойўлинвест» агентлиги.
Қабул қилувчининг банки: Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги тўлов маркази.
Банк манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 6-уй.
АҚШ долларидаги ҳисоб: 40011084026266704519930000 1
Ўзбек сўмидаги ҳисоб: 39991086026266704519930000 3
SWIFT: CBUZUZ22 XXX
BIC: 2340 2000 3001 0000 1010

7. Ҳужжатларни фақат қуйидаги манзилдан ижро агентлиги қошидаги ЛАОГдан Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 17:00 гача олишингиз мумкин.

8. Малака бўйича дастлабки танлов учун аризалар 2023 йилнинг 20 апрель куни Тошкент вақти билан соат 15.00 гача қуйидаги манзилга йўлланган муҳрланган конвертларда топширилиши ва *«М39» Олмаота — Бишкек — Тошкент — Шаҳрисабз — Термиз автомобиль йўлининг 1255 — 1315 км. қисмини реконструкция ва модернизация қилиш учун малака бўйича дастлабки танлов учун ариза, лот ва шартнома номи»* аниқ ёзувга эга бўлиши керак. Электрон танлов савдолари тақиқланади. Кечикиб берилган аризалар рад этилади. Аризалар қуйида кўрсатилган манзилда мурожаат этувчилар ва барча хоҳловчиларнинг вакиллари иштирокида очилади.

9. Манзил:
«Автойўлинвест» агентлиги.
Диққат: «Автойўлинвест» агентлиги директори Зуфара Исматуллаева.
Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мустақиллик кўчаси, 68-уй, 622-хона, 6-қават.
Тел: 71-237-97-08.
Факс: 71-268-90-41.
Электрон почта манзили: piuisdb60km@gmail.com
Расмий веб-саҳифа: www.uzavtoyul.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 345 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6